

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН

90 летию

профессора, д. м. н.

Д.Д. ДЖАЛАЛОВА



2023

TOSHKENT



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013 года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА. 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

Ответственный за выпуск

доцент Б.А. Ешмуратов

доцент И.И. Бахриев

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционного совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Израилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабилов У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

МУРДАЛАР СЎЛАК БЕЗЛАРИДА АГГЛЮТИНИНЛАРНИНГ СУД ТИББИЁТИГА ОИД ТЕКШИРИЛИШИ

Жуманиёзов Э.Х., Лочинов Ф.Н., Насиров Т.К., Ахмедова Ф.Э., Кенжаева Ф.А.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти, Тошкент, Ўзбекистон

Абу Али ибн Сино номидаги Чилонзор жамоат саломатлиги техникуми

Аннотация. Мурдаларнинг сўлак безлари тўқимасидан экстракт тайёрлаб, уларни шу мурда қон зардобидаги изоантитаналари билан қиёсий текширилди. Реакция натижалари уч плюс тизими бўйича баҳоланди. Сўлакдаги агглютининлар сўлак безларининг ўзида (хусусан қулоқ олди, жағ ости ва тил ости безлари) ишлаб чиқарилади. 74,7% ҳолатларда агглютининлар – қон зардобида ҳам, сўлак безларида ҳам аниқланади. 25,3% ҳолатларда эса агглютининлар қон зардобида топилса, сўлак безларида топилмайди. Ушбу кўрсаткичлар 74,7% шахсларни агглютинин “ажратувчилар”га, 25,3%ни эса агглютинин “ажратмовчилар” тоифасига мансуб эканлигини исботлайди.

Калит сўзлар: сўлак, сўлак безлари, агглютинин, суд тиббий экспертиза.

Долзарблиги: Суд тиббиётида илмий тадқиқотларнинг комплекс дастурларидан бири-шахсни идентификациялашда ёрдам берадиган, далилий ашёларни текширишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалдаги усулларни янада чуқурроқ ўрганишдир.

Шахсни идентификациялашнинг муҳим объектларидан бири одам сўлаги ҳисобланиб, жинсий жиноятлар, инсон ҳаётига қасд қилинганда ва шахс эркинлигига тажовуз қилиш ҳолларида, далилий ашё сифатида суюк ва доғ (из) кўринишида текширилади.

Топилган сўлак изларининг маълум шахсга тегишлилигини аниқлашда аввало АВО тизими изоантиген ва изагглютининлари текширилади. Сўлак таркибида антигенлар мавжудлиги асримиз бошлариданоқ, аниқланган бўлиб, улар доимо қон таркибида топилсада, лекин сўлакда бу антигенлар ҳамма вақт топилавермайди. Шунингдек, айрим шахслар сўлак орқали АВО тизимидаги антигенларни ажратадилар ва айримлари уларни ажратмайдилар. Шунга асосланиб, шахслар антиген “ажратувчилар” ва “ажратмовчилар” гуруҳларига бўлинадилар.

Кейинчалик аниқланишича, сўлаги орқали антигенлар ажратувчанлиги бўйича, ҳамма шахслар, қон гуруҳидан қатъий назар, кучли, кучсиз ва оралик, (кучли ва кучсиз оралиғи) “ажратувчиларга” бўлинадилар. Сўлак чўкмаси ва чўкма усти қисмларини текшириш шунини кўрсатдики, “ажратмовчилар” сўлагида антигенлар чўкмада, “ажратувчилар” сўлагида эса, ҳам чўкмада, ҳам чўкма усти қисмида аниқланади.

Охирги вақтларда сўлакда нафақат изоантигенлар, балки анти-А ва анти-В изоантитаналар ҳам аниқланганлиги ҳақидаги фақт тасдиқланмоқда. Лекин суд тиббиёти амалиётида фақат изоантигенлар текширилиб, изоантитаналар (агглютининлар) га эътибор берилмайди.

Ҳолбуки, шахсни идентификациялашда мазкур ҳар иккала гуруҳ таркибий компонентларни, яъни сўлак изоантигенлари ва изоантитаналарини

аниқлаш экспертиза сифатини ва унинг ишончлилигини янада оширади.

Сўлак таркибидаги агглютининлар (анти-А ва анти-В) нинг ҳосил бўлиш механизми ҳозирда номаълум бўлиб қолмоқда. Улар қон зардобидан сўлакга сўрилиб ўтадимми ёки сўлак безларининг ўзида ишлаб чиқариладими? Агар сўлак безларида ишлаб чиқарилса, унда ҳамма шахсларнинг сўлагида ишлаб чиқариладими? Ниҳоят, антитаналар (агглютининлар) нинг авидлиги қандай, уларнинг шу шахслар қон зардобидаги антитаналар авидлигидан фарқланадими? Бу барча саволларни ҳал қилиш шахсни идентификациялашда долзарб масала бўлиб, унинг ечими нафақат тиббий-биологик, балки суд тиббий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот мақсади. Сўлак (қулоқ олди, жағ ости ва тил ости) безларидан тайёрланган экстрактларни текшириш орқали уларда агглютининлар мавжудлигини аниқлаш, уларнинг бир-биридан фаоллиги фарқлашдан иборат.

Тадқиқот материали ва усуллари. Маълумки, одам сўлаги асосан қулоқ олди, жағ ости ва тил ости – сўлак безларида ишлаб чиқарилади. Шу боис, биз бу безларни ўрганишга қарор қилдик. Бунда биз янги тузилган чақалоқлар ва гўдак болалар (1 ёшгача) сўлак безларининг тўқимасини текширмадик, чунки улар орагнизмида изоантитаналар ва изоантигенлар ҳосил бўлиб улгурмайди, шунингдек, адабиётларда кўрасатилишича, янги тузилган чақалоқлар гуруҳ изогемагглютининлари онасининг антитаналари деб ҳисобланади. Биз, мурдаларнинг ушбу безлари тўқимасидан экстракт тайёрлаб, уларни шу мурда қон зардобидаги изоантитаналари билан қиёсан текширдик. Текширувда – мақсадга мувофиқ, ушбу агглютининлар безларининг қайси бирида топилганлигини ва қайсиларида топилмаганлигини аниқладик. Адабиёт манбаларда бу борада маълумотлар топилмади. Шу боис биз янги, яъни ўзгармаган (чиримаган) мурдалар қонидаги ва сўлак безларидаги агглютининларни қиёсий текширишга жазм этдик.

Бунда бир вақтнинг ўзида қон зардоби ва безлар тўқималаридан экстракт (сиқма) тайёрлаб текширилди. Қон юрак бўшлиғидан, унда бўлмаган ҳолларда, йирик томирлардан олинди. Безлардан сиқма тайёрлаш учун, 1 грамм тўқима дастлаб физиологик эритмада қон изларидан ювилди, сўнгра қайчи билан майда бўлакчаларга бўлинди. Улар алоҳида 1 мл ли физиологик эритма бўлган стерил пробиркаларга солинди. Пробиркалар 20-24 соат давомида совутгичда сақланди. Шу билан бирга ушбу муддатга, шу мурдаларнинг қон зардоби ҳам сақланди.

Мазкур намуналар агглютинация реакцияси усули билан текширилди. Мурдалар қони ва тўқима экстракти центрифугда айлантирилиб, ҳар – бирдан қон зардоби ва экстрактнинг чўкма устки қисмидан икки томчидан олиб, алоҳида А ва В ҳарфлари билан белгиланган тоза агглютинацион пробиркаларга солинди. А ёзувли пробиркага 2 томчи иккинчи (А) гуруҳли стандарт А эритроцитлар, В ёзувли пробиркага эса 2 томчи учунчи (В) гуруҳли стардарт В эритроцитлар томизилди. Сўнгра пробиркалар центрифугада айлантирилгач, 3-4 маротаба силкитилди ва макро ҳамда микроскопик усулларда текширилди.

Текширув натижалари ва муҳокамаси. Текширувлар хона (+18-20° С) ҳароратида, бир хил шароитда ўтказилди, яъни қон зардобида ва сўлак (қулоқ олди, жағ ости, тил ости) безлари сиқмаларида агглютининлар бир вақтда текширилди.

Реакция натижалари уч плюс тизими бўйича баҳоланди. Энг жадал кўринишли реакция “+++”, улар ёпишган эритроцитлар йиғиндиси ёки қўп миқдордаги эритроцитлар йирик агглютинатлари

билан таърифланади ва макроскопик кўринади. Агар кўриш майдонида 6-8 эритроцитлардан иборат бўлган агглютинатлар пайдо бўлса, “++” кўринишида белгиланади. Кўплаб эркин эритроцитлар орасида 3-4 эритроцитлардан иборат бўлган кичик агглютинатлар кўриниши “+” кўринишида баҳоланади. Агглютинатлар топилмаган реакция натижалари эса “-” билан белгиланади.

2 ёшдан 68 ёшгача бўлган 120 шахс мурдасидан олинган қон зардоби ва қулоқ олди, жағ ости, тил ости сўлак безлари тўқималарининг сиқмалари қиёсий текширилди. Мурдалардан 74 таси ғайритабиий ва 46 таси табиий тоифасига тегишли эди (жадвал № 1). Ўлим турларига қараб ўрганилаётган материаллар қуйидагича тақсимланди: юрак қон-томир тизими ва бошқа ички аъзоларнинг касалликлари натижасида – 46 ҳолат; турли механик жароҳатлар натижасида – 58 ҳолат; механик асфиксия натижасида – 12 ҳолат; электр токи жароҳатлари (электротравма) – 1 ҳолат; бошқа физик омиллар таъсири натижасида – 3 ҳолат.

Тадқиқотлар асосан йилнинг кузги-қишки мавсумларида (мурдалар ўлимидан сўнги ўзгаришларга учрамасдан олдин) ўлимдан сўнг 6 соатдан, 20 соатгача вақт ўтган мурдаларда ўтказилди. 120 ҳолатлардан 34 тасида мурдаларнинг қони Оαβ(I) гуруҳга, 48 ҳолатларда – Аβ(II) гуруҳга, 22 ҳолатларда – Вα(III) гуруҳга ва 16 ҳолатларда – АВ(IV) гуруҳга мансуб. Текшириш жараёнида О, А, В гуруҳларга мансуб 104 мурдалар қони ва сўлак безлари текширилганда, ҳар бирига хос бўлган агглютининлар аниқланди. 16 ҳолатларда эса, на қон зардобида, на сўлак безлари сиқмаларида α ва β агглютининлари топилмади (жадвал 1).

Жадвал №1

Ҳодисаларнинг ўлим тоифаси ва турлари, инсон ёши ва жинсиларига қараб бўлиниши

№	Ёши	Жинси		Ўлим тоифалари				
		Эркак	Аёл	Ғайри табиий ўлим			Табиий ўлим	
				Қотиллик	Ўз-ўзини ўлдириш	Бахтсиз ҳодиса	Қутилмаган	Тўсатдан
1	2-15	7	4	-	1	8	1	1
2	16-25	6	4	4	2	3	1	-
3	26-35	13	7	12	2	3	1	2
4	36-45	20	3	10	1	4	4	4
5	46-60	28	9	7	5	5	14	6
6	60дан юқори	11	8	2	1	4	8	4
Жами		85	35	35	12	27	29	17

Сўлак безлари (қулоқ олди, жағ ости, тил ости) экстрактини текшириш шуни кўрсатдики, қўпгина ҳолларда (104 тадан 78 тасида яъни, 74,7% ҳолатларда, қон зардобида мос агглютининлар, уларда ҳам аниқланди. Аммо, 26 ҳолатда, яъни 25,3% да шу мурдалар қон зардобида агглютининлар аниқлансада, сўлак безлари сиқмаларида улар топилмади.

Ундан ташқари, қон зардоби ва сўлак безлари агглютининларининг авидлик даражаси ҳар хил экан. Қон зардоби агглютининларининг фаоллиги, сўлак безлариникидан ҳар доим устун туради. Шунингдек, жадвалда кўрсатилишича, шу безларнинг ўзаро агглютининларининг фаоллиги ҳар хил бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, қулоқ олди беги агглютининлари, жағ ости ва тил

ости безлариникига нисбатан фаолроқ эканлиги аниқланди.

Хулоса. Олинган тажриба натижаларга асосан шуни таъкидлаш мумкинки, агар текширилаётган мурда сўлак безларининг биттасида агглютинин топилса, у бошқа сўлак безларида ҳам топилади, аммо агглютининларнинг фаоллиги бир-бирдан фарқ қилади.

Шундай қилиб, сўлак (қулоқ олди, жағ ости ва тил ости) безларидан тайёрланган экстрактларни текшириш усули, уларда агглютининларни аниқлашга имкон беради. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, сўлакдаги агглютининлар сўлак безларининг ўзида (хусусан қулоқ олди, жағ ости ва тил ости безлари) ишлаб чиқарилади. 74,7% ҳолатларда агглютининлар – қон зардобиди ҳам, сўлак безларида ҳам аниқланади. 25,3% ҳолатларда эса агглютининлар қон зардобиди топилса, сўлак безларида топилмайди. Ушбу қўрсаткичлар 74,7% шахсларни агглютинин “ажратувчилар”га, 25,3%ни эса агглютинин “ажратмовчилар” тоифасига манусб эканлигини исботлайди.

Адабиётлар.

1. Барсегянц Л.О. О тактике эксперта в некоторых особых случаях исследования слюны //Судебно-медицинская экспертиза. – 1985. - №3. – С.20-24.

2. Барсегянц Л.О. Установление категории выделительства по слюне реакцией абсорбции-элюции //Судебно-медицинская экспертиза. – 1984. - №2. – С. 39-40.

3. Джалалов Д.Д. К вопросу обнаружения агглютининов в волосах человека //Актуальные вопросы судебно-медицинской экспертизы вещественных доказательств. – Ташкент, 1987. – С. 24-26.

4. Дерегина Е.И., Савельев Ю.И., Насыров А.Е. Лепенков М.И., Николаева Т.Л. Применение иммуноферментного анализа для определения АВН-антигенов в следах слюны и спермы //Судебно-медицинская экспертиза. – 1992. - №2. -23-26.

5. Ланцова А.И., Тургарёва Г.Б. Применение в реакции абсорбции-элюции экстракта анти-Н из плодов бузины травянистой при исследовании пятен крови, слюны и спермы //Судебно-медицинская экспертиза. – 1989. - №1. С.32-35.

6. Torrado J. et al. Lewis, secretor, and ABO phenotypes, and sulfomucin expression in gastric metaplasia //Cancer Epidemiol. Biomarkers Prev. – 1997. – V.6. – P. 287-289.

7. Yasuda H., Ohto H., Motoki R. Uchikawa M. An EDTA – associated anti-B agglutinin: the role of ionized calcium //Transfusion. – 1997. – 37. – P.1131-1136.



Choriyev B.A., Primov Kh.N., Bakhriev I.I., Saydakhmedov M.K., Mirzamukhamedov O.Kh., Sobirova D.R. MORPHOLOGICAL ASPECTS OF ASEPTIC NECROSIS OF THE FEMORAL CAPITIS AFTER COVID-9	143
Чориев Б.А., Турсунов Х.З., Бахриев И.И., Махмудова У.М., Примов Х.Н. КАМ УЧРАЙДИГАН КЎКС ОРАЛИҒИ ТЕРАТОМАСИ.....	147
Шопўлатов И.Б., Индиаминов С.И. КАЛТА НАЙСИМОН СУЯКЛАР СИНИШИ МУДДАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИХАТЛАРИ.....	151
Цюпко Е.В., Краснова А.П., Юсупова А.А., Алябьев Ф.В. СОПОСТАВИМОСТЬ РЕАЛЬНЫХ И ЦИФРОВЫХ МЕТРИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК ЛИЦА.....	154
Якубов М.З., Имомов С.Т. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЭПИТЕЛИЯ ИСКУССТВЕННО СОЗДАННОГО ВЛАГАЛИЩА ОБРАЗОВАННОГО ИЗ ТОЛСТОЙ КИШКИ.....	156
Якубов Х.Х., Ядгарова Ш.Ш., Номонов М.А. ПОСЛЕДСТВИЯ ЛЕГКОЙ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМЫ И ИХ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ОЦЕНКА.....	161
СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА ВЕЩЕСТВЕННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ (АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ)	
Хасанова М.А., Ешмуратов Б.А., Бабаев Х.Н., Нуров А.Р. СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ВЕЩЕСТВЕННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ И ПУТИ РАЗВИТИЯ.....	164
Абдуллаев Б.С., Исламов Ш.Э. СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ ИССЛЕДОВАНИЯ ЭКСПЕРТНЫХ МАТЕРИАЛОВ РЕАКЦИЕЙ АБСОРБЦИИ-ЭЛЮЦИИ И МЕТОДОМ АФФИННОЙ ХРОМАТОГРАФИИ.....	167
Абдуллаев Б.С., Исламов Ш.Э. ОБНАРУЖЕНИЕ АГГЛЮТИНОГЕНОВ АВО В ПЯТНАХ КРОВИ, СМЕШАННЫХ С НЕКОТОРЫМИ ВЫДЕЛЕНИЯМИ.....	170
Азизова Р.А., Дадамухамедова Х.Э., Ибрагимов З.З., Буранова М.Б. СПЕКТРАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПЛАЗМЫ КРОВИ БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКИМ МИЕЛОЛЕЙКОЗОМ.....	173
Ахмедов Т.Ж., Ешмуратов Б.А., Бахриев И.И. АФФИН ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛИДА А АНТИГЕНИННГ ГУРУҶЧАЛАРИНИ АНИҚЛАШ.....	176
Жуманиёзов Э.Х., Лочинов Ф.Н., Насиров Т.К., Ахмедова Ф.Э., Кенжаева Ф.А. МУРДАЛАР СЎЛАК БЕЗЛАРИДА АГГЛЮТИНИНЛАРИННГ СУД ТИББИЁТИГА ОИД ТЕКШИРИЛИШИ.....	179
Лочинов Ф.Н., Жуманиёзов Э.Х., Джуманиязов Ж.Ю., Жовбуриев Т.М. ГЕМОЛИЗЛАНГАН ВА ЧИРИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНАЁТГАН МУРДА ҚОН ДОҒЛАРИДА АГГЛЮТИНИНЛАРИНИ АНИҚЛАШ.....	182
Лочинов Ф.Н., Ганиева Н.Х., Халдаров Д.Б., Икрамов А.У. ИССЛЕДОВАНИЕ АГГЛЮТИНИНОВ В ПЯТНАХ КРОВИ, ПОДВЕРГШИХСЯ СУХОВОЗДУШНОЙ ОБРАБОТКЕ.....	185
Мардонов Т.М., Кулиев Ш.Э., Бойманов Ф.Х. О ЗНАЧЕНИИ ИССЛЕДОВАНИЯ ПЯТЕН КРОВИ НА ВЕЩЕСТВЕННОМ ДОКАЗАТЕЛЬСТВЕ.....	187
Отамурадов А.З., Хасанова М.А. ТЎШ СУЯГИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ.....	192
Отамурадов А.З., Хасанова М.А. ТЎШ СУЯГИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯЛАРИНИ РЕНТГЕНОЛОГИК ВА АНАТОМОРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	195
Рўзиева З.М., Расулов М.Б., Турсунова Г.У., Хушвақова З.О., Қодиров Ф.Т. ҚИН АЖРАЛМАЛАРИ АНТИГЕНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	197